Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 22 август, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 63 (7060)

Da'vat

Аввало яхши ахлоқни, кейин донишмандликни урган, чунки ахлоқли бўлмай туриб, донишманд бўлиш амри маҳол.

Сенека

Ibrat

«Зарафшон—Ньюмонт» қўшма корхонаси бу йил Зарафшон шаҳар мактабларини таъмирлаш учун бир миллион сум маблағ ажратди. Шунингдек, Зарафшон қурилиш бошқармаси, геология-қидирув экспедициялари ҳам шаҳар мактабларини янги ўқув йилига тайёрлаш борасида катта амалий ёрдам бермоқдалар.

Мустақиллигимизнинг 7 йиллик тўйига 9 кун қолди

БУ БЎСТОНДАЙ БЎСТОН БОРМИ, ЁРОНЛАР!

Боғлари сўлимдир,
хушҳаво бўстон,
Оламда тенги йўқ мисли
гулистон.
Сўрасанг номини ҳур
Ўзбекистон,
Бу бўстондай бўстон
борми, ёронлар!

Истиқлол туфайли
бийрон тилимиз,
Бутун бўлди имонимиз,
динимиз.
Ҳур Ватанда барча
оға-инимиз,
Бу имкондай имкон
борми, ёронлар!

Мустақил жамолинг
жаҳон тан олди,
Дўстимиз суюниб,
душман танг қолди.
Юртбошинг тинчликка
зўр кўприк солди,
Бу даврондай даврон
борми, ёронлар!

Ҳикмат бахши созлаб
букун созини,
Ватанга бахш этди кўпи
озини.
Бир кўшиқ айлади юрак
розини,
Бу илҳомдай илҳом
борми, ёронлар!

Ҳикмат бахши МУСУЛМОНОВ,
Нуробод туманидаги
56- мактаб ўқитувчиси

Ниҳоят, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 315-мактаб ўқувчилари ҳам янги ўқув йилини замонавий тўрт қаватли мактаб биносида бошлашадиган кўринади. Бу деганимиз, кўп йиллар ўқитувчилар, ўқувчилар эски мактабда шароитлар етишмаслигидан қийналиб келишарди.

Шунданам 1176 ўқувчига мўлжалланган мактаб лойиҳасини мактаб директори, моҳир педагог Норхўжа Раҳимхўжаев ички талаб ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ўзи танлади. Мактаб қурилишини мустақиллигимизнинг 7 йиллик байрами арафасида тугаллаб, мактаб жамоасига катта совға тайёрлаш учун Бердимурод Турсунов раҳбарлигидаги 22-қурилиш бошқармаси ишни ниҳоятда авж олдирипяпти. Қурувчилар 3 сменада сидқидилдан меҳнат қилишяпти.

Қурилишни имкон қадар эртароқ тугаллашда халқимизнинг гўзал бир одати, яъни ҳашар ҳам қўл келяпти. Тумандаги 34 та мактабдан ўқитувчилар, 60 та болалар боғчасидан тарбиячилар ҳашарга келишиб, савобли ишга улушларини қўшиб туришибди.

Суратларда: Мактаб қурилишида иш қизғин.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар

САБОҚЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

Ж. Ғ. Йўлдошев,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири

Умумхалқ байрами — мустақиллигимиз куни, қолаверса, янги ўқув йили арафасида амалга оширилган ишларнинг сарҳисобини қилиб, кейинги вазифаларни белгилаб олиш яхши анъанага айланиб қолган. Бу йилги сарҳисобимизнинг узига хос рамзий маъноси ҳам борки, бу халқимиз учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган, унинг яқин ва истиқболдаги келажагини белгилаб берадиган, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида яратилган «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинганига бир йил тўлиши муносабатидир.

Хўш, ўтган 1997-1998 ўқув йили Ватанимиз таълими тарихида қандай из қолдирди,янги ўқув йилида жамиятимиз тараққиёти учун, ҳар бир инсоннинг камолоти учун қандай вазифаларни ҳал қилишимиз зарур? Агар ўтган ўқув йилига умумий тавсиф берадиган бўлсак, таълим муассасалари иш мазмунини янгилаш, илғор педагогик технологияларни амалиётга олиб кириш, педагоглар сифат таркибини яхшилаш, таълимнинг бошқарув тизимларини такомиллаштириш, дарсликлар ўқув қўлланмалари, дастурлар, сифати ва мазмунини мукаммаллаштириш бўйича изланишлар жараёни кечди ва бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Ўқув йили давомида Республика ҳукуматининг ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнини такомиллаштириш, соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш билан бевосита боғлиқ ўндан ортиқ қарор ва фармойишлари қабул қилинди. Мактабгача таълим йўналишида «Мактабгача таълимга қўйилган давлат талаблари», «Мактабгача таълим Устави», «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури» ишлаб чиқилди ва жорий этишга киришилди. Бу билан Республикада узлуксиз таълимнинг асосларини мустаҳкамлашга эришилди. Бунинг боиси шуки, биз одатда мактабгача таълимни узлуксиз таълимнинг биринчи босқичи деб ҳисоблаб келганмиз. Лекин очиқ эътироф этиш керакки, бу тизим яқин-яқингача халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ота-оналарнинг ижтимоий фаолияти учун шарт-шароит яратишгагина хизмат қилар эди. Кейинчалик мактабгача таълимда болаларни ривожлантиришнинг қўшимча имкониятлари борлигини англадик. Шу асосда болалар боғчалари иш мазмунига қўйилган талаблар ҳам узгартирилди ҳамда асосий вазифалардан бири сифатида ўз тарбияланувчиларини мактаб босқичида ўқишга тайёрлаш белгиланди.Таъкидлаш жоизки, болалар боғчалари тарбияланувчиларига таълим беришда мактабларнинг ўқув дастурларига яқинлаштирилган ўн икки йўналишли янги дастурлари ишлаб чиқилди, синовдан ўтказилди, жорий этишга киришилди. Таъкидлаш жоизки, болалар боғчаларида бу дастурларни таълим жараёнида қўллаш орқали муайян ижобий натижалар қўлга киритилди.

Таълим мазмунини юксалтириш бўйича ҳукумат томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли, умумий ўрта таълим мактабларида фанларни ўқитиш сифатини маълум даражада оширишга муваффақ бўлинди. Масалан, ўқувчилар фан олимпиадасининг якунловчи Республика босқичида олимпиада дастурига киритилган деярли барча предметларни узлаштириш самарадорлигида сезиларли ижобий усиш қайд қилинди. 1997 йил бўйича таҳлилларга кўра узбек тили ва химия фанидан ташқари барча фанлар бўйича узлаштириш даражаси 1996 йилга нисбатан сезиларли усганлиги қайд этилди. Масалан, агар 1996—97-ўқув йилида фанларни ўқитиш борасида энг юқори кўрсаткич «Информатика ва ЭҲМ» (78 фоиз), биология (76 фоиз) фанлари бўйича қайд этилган бўлса шу предметларнинг ўқитиш самарадорлиги кўрсаткичларини камайтирмаган ҳолда математика фанини ўқитиш 84,4, инглиз тилини ўқитиш 84,1, биология фанини ўқитиш самарадорлиги 82,6 фоизга кўпайди.

Яна бир кўрсаткич: ўтган ўқув йилида узбекистонлик ўқувчилар халқаро олимпиадаларда 33 та олтин, кумуш, бронза медалларини қўлга киритдилар Америка қўшма Штатларининг таълим ва тил ўрганиш бўйича АКСЭЛС ташкилотининг танловида ғолиб чиққан эллик ўқувчи АҚШ мактабларида ўқишни давом эттириш учун жўнаб кетдилар.

Педагог-кадрлар сифат таркибини яхшилаш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, «Ёш педагоглар билан ишлаш дастури» ишлаб чиқилди. Республика Давлат тест маркази билан ҳамкорликда 40 мингдан ортиқ ўқитувчи кадрларнинг назарий методик тайёргарлиги ўрганиб чиқилди, таълимнинг бошқарув бўғинида меҳнат қилаётган 49 мингдан ортиқ боғча мудиралари, мактаб директорларидан тортиб, то вазирликкача бўлган бўғинларда ишлаётган раҳбар кадрлар аттестациялардан ўтказилди.

Республика ҳукуматининг «Узлуксиз таълимни дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ муайян ишлар қилинди.

Маълумки, мазкур қарорга асосан, 1998 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилди. Тез орада шу Қарорни бажариш юзасидан тадбир ишлаб чиқилди. Республика Давлат матбуот қўмитаси билан вазирлигимизнинг қўшма ҳайъат қарори қабул қилинди, шу жараёнга раҳбарлик қилиш, тузилган тадбирларнинг

(Давоми 3-бетда)

Dolzarb mavzu

JUMLADA JAHON

• Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов давлатимизнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик ҳамда консуллик ваколатхоналари вакиллари семинари қатнашчилари билан бўлган учрашувда дипломатлар вазифалари, уларнинг Ватанимиз обрўйини жаҳонга ёйишдаги ўрни хусусида батафсил тўхталди.

• Японияннинг «Марубени» компанияси директори ва транспорт дивизиони Бош менежери Нортисюгю Ватанабе раҳбарлигидаги делегация аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Л.Аҳметов билан учрашуви чоғида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси билан «Марубени» компанияси ўртасида Тошкентда вагон таъмирлаш заводини қуриш тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

• Хоразм вилоятининг Дўстлик шаҳрида бир кунда 3000 тонна қанд лавлагини қайта ишлаш ҳамда йилига 45 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган, Марказий Осиёда ягона йирик шакар заводи қуриб битказилди.

• АҚШда бир ойдан буён давоналанаётган Иордания қироли Ҳусайн ҳукуматни тузиш ва таркатиб юбориш ҳуқуқини шаҳзода Ҳасанга бериш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

• Россия Президенти матбуот котиби Сергей Ястрежембскийнинг баёнотига кўра Президент Борис Ельцин ҳукуматдаги бир неча мансабдор шахсларни лавозимидан озод этиб, яна ҳукумат таркибида ўзгариш қилиш ниятида экан.

МЎЛЖАЛДА ТЕРРОРИСТЛАР
3-бет

O'qishni o'rganamiz

ТОПИБ ЎҚИНГ

Республикамиз мустақиллиги даврида энг муҳим маънавий-маърифий узгаришлардан бири лотин ёзувига асосланган узбек алифбосининг жорий этилганлигидир. Янги алифбонинг амалга оширилиши республикамизнинг жаҳон коммуникацияси тизимига жадал киришишига қулай шароит яратиши шак-шубҳасиздир.

Мактабгача тарбия муассасалари — боғчаларимизнинг катта гуруҳлари ёки тайёрлов гуруҳлари ҳамда боғчага қатнамайдиган болалар ота-оналари учун янги алифбо ҳарфларини таништириш, ўрганишга тааллуқли ўқув қўлланмаларига эҳтиёж катта. Шу муносабат билан Суннатулла Ризаевнинг Манзура Солиҳова билан ҳамкорликда яратган «Янги узбек алифбоси» («Ўқишни ўрганамиз») номли қўлланмаси диққатга сазовор. Унда мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари ва ота-оналар учун жажжи кичкинтойларимизга янги узбек алифбоси ҳарфларини ўргатиш методикаси мисоллар билан келтирилган.

Айниқса, алифбо ҳарфларини ўргатиш жараёнида қандай усуллардан фойдаланиш кўрсатилганлиги эътиборлидир. Ҳар бир ҳарфдан сўнг уша ҳарф иштирокидаги расм, ҳамда расмнинг ости ва устидан уша (ўрганилаётган) ҳарфли сўзнинг босма ва ёзма шакллари берилади. Сунгра қўлланманинг охирида ўқиш учун материаллар (матнлар), шеърлар келтирилган бўлиб, улар ўқилиши ва ёд олиниши осонлиги билан аҳамиятлидир.

С.Ризаев, М.Солиҳоваларнинг ушбу қўлланмаси янги ўзбек алифбоси сирасидаги барча ҳарфларнинг бош ва кичик шаклларини ўзлаштириб олиниши борасида муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат эта олади, деган умиддамиз.

Маҳкам ҚЎЧҚОРОВ

ГИМНАЗИЯНИНГ «ГИМНАЗИЯ»СИ
4-бет

Tashxis markazlarida

БОЛА СОҒ БЎЛСА...

Мана «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари тўғрисида»ги Низомнинг матбуотда чоп этилганига ҳам анча бўлди. Масалага ҳамиша жиддий ва масъулият билан ёндашиладиган жамоаларда марказлар Низомга мувофиқ равишда тузилди ҳам. Хўш, айни вақтда ташхис марказлари нима билан шуғулланаяпти? Биз ана шу саволга жавоб топиш мақсадида Андижон вилоятининг айрим туманларида бўлиб қайтдик.

Юқорида номи зикр этилган Низомни чуқур ўқиб-ўрганган киши ташхис марказлари нафақат мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтиришу уларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш билан, балки, ўқувчи бўлишга «даъвогар» бўлган мактабгача ёшдаги болаларни ҳам тадқиқ этиб, уларнинг қанчалик даражада мактабга тайёргарлигини аниқлаш билан ҳам шуғулланишади.

Шу маънода бугун мактабга жалб этилаётган болалар соғлигини тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг мия имкониятларини яъни, қобилияти ва қизиқишларини чуқур ва жиддий таҳлил этмай туриб, таълим тараққиётига, умумхалқ саводхонлигини янада юқори даражага кўтаришга эришиб бўлмайди.

1998-1999 ўқув йилида Андижон вилояти бўйича 1-синфга 59103 нафар ўғил-қиз қабул қилиниши керак. Шундан 20 фоизини 6 ёшлилар ташкил этади. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдумўмин Аҳмедовнинг таъкидлашича, айни вақтда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ташхис Марказлари тузиб бўлинган. Улар учун Низомда кўрсатилган услубхоналар ходимларидан эмас, айрим жойларга вилоят ҳокимининг ёрдами билан қўшимча иш ўринлари ажратилган.

(Давоми 3-бетда)

Tarix o'qituvchilariga yordam

ТАРИХ ҚАНДАЙ ЎҚИТИЛАДИ?

1998—1999-ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 5—11-синфларини Узбекистон ва Жаҳон тарихи бўйича янги дарсликлар билан таъминлаш бироз муддатга кечикиши сабабли мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тарих ўқитувчиларининг ишларини енгиллаштириш мақсадида методик тавсия ва ишланмаларини тайёрладилар. Ушбу тавсия ва ишланмаларни тайёрлашда С.Маҳкамов, Ж.Раҳимов, У.Жўраев, М.Лафасов, В. Костецкий каби тажрибали мутахассислар фаол иштирок этдилар.

Тавсия қилинаётган режа ўқувчиларнинг зўриқишларини олдини олиб, соатларни боблар ва мавзулар бўйича тақсимлашдаги чалкашлик ва мураккабликлар барҳам беради. Шунингдек, тарихий воқеа ва ҳодисаларни хронологик изчиллик асосида ёритиш ҳамда баён этиш имконини яратади. Шу билан бирга, ўқув соатларининг бажарилишини йил охирига қадар назорат қилишга қулайлик туғдиради. Бу ўз навбатида тарих дарсларининг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир қилади.

Дарс машғулотларининг оптимал имкониятларидан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш, ҳар бир давр манзарасини ҳаққоний, холис ҳолда мустақил, миллий давлатчилигимиз манфаатларига ҳамоҳанглигини таъминлаш билан уни тўғри йўналишларда ёритилишига эришиш учун дастурларнинг бўлим ва бобларига алоҳида, қисқача илмий тавсиф берилди. Бу эса ўқитувчига ушбу тавсифга таяниб тарихни ўқитишнинг ҳар қандай давридаги мураккаб илмий-назарий, ғоявий муаммоларга доир мазмун моҳиятини, концептуал жиҳатларини эркин, қатъий ишонч билан очиб беришда илмий таянч хизматини утайди ҳамда мураккаб воқеаларни очишдаги иккиланишларга ўрин қолдирмайди. Шу аснода собиқ шуро тузуми давридаги онгда ўрнашиб қолган айрим салбий фикрлардан халос бўлишга ёрдам беради.

Тарих фанини ўқитишга доир тавсия ва ишланмалар билан газетамизнинг 2-бетида танишасиз.

ХАБАРЛАРИ — MMM

30 yildan so'ng

Namangan tumanidagi 32-maktabni 30 yil muqaddam bitirgan sobiq o'quvchilarning uchrashuvi bo'ldi. Bugunga kelib fan doktorlari, tibbiyot, iqtisod, ta'lim xodimlari, tadbirkor rahbarlar sifatida mehnat qilayotgan sinfdoshlar uchrashuvdan bir olam quvonch olib qaytdilar.

A.XOLMIRZAYEV.

Bepul obuna qilindi

Muzrabod tumanidagi 36-maktabning «Eng tashabbuskor, jamoatchi sinf» tanlovi g'olibi VI sinf o'quvchilari 1999 yil uchun «Tong yulduzi» gazetasiga maktab jamq'armasi hisobidan obuna qilindilar. Bu ishda sinf rahbari E.Boymatovning xizmatlari beqiyos bo'ldi.

S.INOYATOVA

MAVSUMGA TAYYORLANDI

Shahrisabz shahridagi 104-gimnaziya maktabi tadbirkor jamoa xodimlari, ota-onalar yordamida yangi o'quv yiliga tayyorlab qo'yildi. Qisqa fursatda isitish va yoritish tarmoqlari, binoning ichki va tashqi holati sifatli ta'mirlandi.

N.QURBONOVA

FARZANDLARGA AMALIY YORDAM

Andijon shahridagi 10-maktab jamoasi yangi o'quv yiliga puxta hozirlik ko'rmoqda. Ularga Gulzoda Nishonova boshliq ota-onalar jamoasi yaqindan yordam berib kelyapti. Ular o'z farzandlari uchun 27 ming so'mlik amaliy yordam ko'rsatishdi.

Sh.KELDIYEV

MMM — XABARLARI

AJOYIB ISH BO'LDI

O'rta Chirchiq tumanidagi maktablar sahovatli xo'jaliklar, korxona va firmalarning ta'lim- tarbiyaga bo'lgan ijobiy munosabati va moddiy ko'magi tufayli o'n to'rtta kompyuter, 26 ta turli tajribalar o'tkazish asboblari, mingdan ortiq o'quv qo'llanmalarini olishga muyassar bo'ldi

M.QAYUM

ТАРИХ - ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИНГ АСОСИДИР

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎРГАНИШНИ ДАВРЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

Мустақил миллий давлатчиликнинг вужудга келиши, ўзбек халқи ва миллий давлатчилигининг ривожланиши, унинг сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳада жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини билиб олиш зарурати, комил инсонни, Ўзбекистон давлатининг содиқ, Ватанга фидоий фарзандини тарбиялаш мактабнинг бош вазифасига айланди. Унда Ўзбекистон тарихи асосий ўринни эгаллайди. Шу боис Ўзбекистон тарихини ҳар бир ёш авлод чуқур ўрганишини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таниқли тарихчи олимлар, шоир ва журналистлар билан 1998 йил 26-июндаги учрашувида янада қатъий таъкидланди. Бу Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг сиёсий асосидир. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон тарихини умумтаълим мактабларида ўқитиш ва ўрганишнинг энг самарали йўллари қидирилди. Республика Таълим Маркази қошида таниқли олимлар, методистлар ва ўқитувчилардан иборат Ўзбекистон тарихи Илмий-методик кенгаши тарихий даврлаштиришнинг пухта асосларини яратиш йўлида уринишларидан кейин қуйидагиларни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ деган қарорга келинди:

5-синфларда **Ўзбекистон тарихи фан асослари сифатида эмас, ҳикоялар тарзида ўрганилиши ижобий самаралар бериши маъқул деб топилди. Бунда ўтмишда тўпланган методик тажрибаларнинг ижобий жиҳатларига таянилди.**

6-синфдан **тарих фан асослари сифатида ўрганила бошланиб, унинг қамровига инсониятнинг илк шаклланиш босқичидан қушонлар инқирозига яъни IV аср даври киритилди. Ўша даврларни ўрганишга 34 соат ажратилган. Ўқувчилар Ўзбекистон тарихининг мазкур даврида тараққиётнинг дастлабки уруғчилик, қабилавий ҳаёт тарзи, мулкий тенгсизлик, табақалар, умуман, тарихий цивилизациянинг қуйидан юқорига тамойили асосида хронологик изчилликда тарих ўқитиш давлат стандарти талаб этган тушунчаларни эгаллай олиши асосий диққат марказида турди. Шунингдек, педагогик жиҳатдан асосланди.**

7-синфда **Ўзбекистон тарихига 34 соат ажратилган бўлиб, Эфталитлар давлати ташкил топишидан (V аср) то XV аср охири, яъни Темурийлар давлати инқирози даврини ўз ичига олади.**

Тарихимизнинг ўрта асрлардаги бой ва ранг-баранглиги, иқтисод ва сиёсат, давлатчилик, фан, маданият соҳасида жаҳоншумул ютуқларга эришиш сабаблари, моҳиятини яхлит ўрганиш ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ҳам қараб уларнинг мазкур даврни зўриқишсиз эгаллашига имкон беради. Ўқувчилар 7-синф ўқув жараёнида ўрта асрларнинг умумий асосдаги манзараси ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўла оладилар.

8-синфда **Ўзбекистон тарихига Шайбонийлар давлати ташкил топишидан X1X асрнинг биринчи ярмигача бўлган давр ажратилди. Бу даврни ўрганишга 34 соат ажратилган бўлиб, 250 йиллик тарихий воқеалар ўргатилади. Шайбонийлар, Аштархонийлар, минглар, манғит ва қўнғиротлар сулолаларининг ҳукмронлиги, давлат бошқаруви-даги умумий ўхшашлик, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдосотиқ, мадрасалар фаолиятидаги таълим-тарбиянинг узоқ давр ягона исломий мафкурага асосланганлиги, юқорида қайд этилган соҳаларда воқеалар силсилавий, кескин инқилобий ўзгаришларсиз тарзида содир бўлганлиги, ушбу даврни 8-синф ўқувчилари ажратилган соатлар мобайнида эгаллаб олиш имкониятлари ҳам ҳисобга олинди.**

9-синфда **XIX аср ўрталаридан XX асрнинг 1917 йил февралига қадар тарихий давр қамраб олинади. Ушбу даврни танлашда асосан ҳам сиёсий, ҳам илмий долзарбликдан келиб чиқилди. Унда республика Президенти И.Каримовнинг миллий истиқлол, давлатчилигимизнинг қадрига етмоқ, уни мустаҳкам ва буюк давлатга айланишини таъминламоқ учун, қандай сабабларга кўра, Россия империяси Туркистонни, учала хонликларни забт этишга эришганлиги, хонликлар ўртасидаги ўзаро низолар унда қандай машъум роль ўйнаганлиги, ғанимлар сиёсий, иқтисодий-маънавий зулм, мустамлакачиликни қарийб бир аср давомида олиб борганлигини халқимиз, асосан, ёшларимиз чуқур билишлари зарурлигидан келиб чиқилди. Шунингдек, мустамлакачиликнинг оғир азоблари халқимизнинг асосан икки йўналишдаги қаршилигига дуч келдики, унинг биринчиси фидоий зиёлилар, яъни жадидлар халқимизни эрксизлик зулматидан қутқариб, уни жаҳондаги тараққий қилган давлатларга етказишнинг асосий шарти – маърифат ва илм, дея билиб миллатни миллий уйғоқликка чорлади. Иккинчидан, ўрнатилган мустамлакачилик тартибларига қарши халқ норозилик ҳаракати бошланиб, ниҳоят у миллий-озодлик курашига айланди. Ушбу йирик воқеаларни атрофлича билмай туриб, мураккаб жараёнларни тушуниб олиш мумкин эмас. Бу воқеалар халқ миллий тақдирига дахлдор ўта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик муаммолардандир. Шахс сифатида шаклланаётган 9-синф ўқувчиси ушбу мураккаб жараёнлар моҳиятини онгли суратда эгаллаб, улардан ҳукмий хулосалар чиқара оладиган даражада, тарихий тафаккури тарих ҳақиқати асосида шаклланган бўлишини тақозо қилади.**

10-синфга **ажратилган давр собиқ шўро мустамлакачилиги давридир (1917—1990). Бу аслида чоризм мустамлакачилигининг янги қиёфада, большевистик мафкура асосига қурилган ҳолатдаги кўриниши бўлиб, 70 йилни ўз ичига олади. Уни ўрганишга 68 соат вақт ажратилган.**

Ўзбек халқи бу даврда мислсиз машаққатларни бошдан кечирди. Октябрь давлат тўнтариши тўлқини Туркистонга шовинистик зилзила бўлиб кириб келди, халқимизни қонли фуқаролар урушига тортди, сиёсий найранглар гирдобига ташлади. Миллий Республикалар ташкил қилиш шиори билан аслида Туркистонни ҳудудий парчалаш сиёсати амалга оширилди, деҳқонлар ердан, ҳунармандлар мулкидан ажралди. Крепостной тузумнинг аслида янги шакли – колхозлар тузилди. Маорифнинг миллий кўринишлари ёт тарбия усулларига алмаштирилди. Ўзлигини унутган, тарихи, қадриятларидан маҳрум миллатларни пароканда қилиб руслаштириш коммунистик соҳта байналминал тарбия асосини ташкил қилди. Ўзбекистонда аграр сиёсат ҳам, бирёқлама, фақат пахтачилик билан боғланган саноат турини жорий этиш, кадрлар сиёсати фақат марказ манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилди. Ўзбек халқи бир неча бор қатағон ҳужумлари заҳматларини бошидан кечирди. Пахта яккаҳокимлиги экологик фалокат хавфини келтириб чиқарди. Табиий жуғрофий инфраструктура мутаносиблиги бузилди. Бу оғир ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Охир-оқибат Орол муаммоси жаҳон муаммосига айланди. Миллий муаммо собиқ СССРни емирувчи ижтимоий бош омил сифатида ҳаракатга келди. Бу фожиаларнинг Ўзбекистонга келтирган моддий-маънавий зарари дарс жараёнида уни атрофлича ўрганишни талаб қиладики, унинг асл сабабларини билиб олган ёшларимиз буларнинг қайта такрорланмаслиги йўлида бир бутун жисмоний, маънавий монолит куч сифатида намоён бўла оладилар. Тарихий тафаккури тўғри ва холис тарбияланган ёшлари мавжуд миллат буюк давлат қуришга маънавий эҳтиёж сезади, уни қуришга ўзини ихтиёрий сафарбар деб билади,уни тўла ҳис қилади.

11-синфда **Мустақиллик даврини ўрганишга 68 соат вақт ажратилди. Мазкур даврга мўлжалланган ушбу машғулотларда ўқувчилар асрларга татиғулик буюк тарихий воқеаларни ўрганадилар. Бу даврда истиқлол миллатимизга шундай улуғ ишларни амалга ошириш имконини бердики, мустақиликда ўттан ҳар бир дақиқа, соат, кунларимиз тарихимиз олтин саҳифалари бўлиб қолди. Бу даврни тарихда ўтган энг буюк инқилобларга қиёс қилиш мумкин. Ҳаётга йўлланма олаётган ҳар бир ёш авлод унинг асл мазмунини чуқур англаб, Ўзбекистонни буюк келажак, тақдир кутаётганлигини чуқур тушуниб етиши ва унинг улуғвор асосларини яратишга сидқидилдан киришувнинг бурч эканлигини комил инсон сифатида идрок қила олиш учун мустақиллик даври тарихини чуқур билиш ҳар бир фуқаро учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Мустақиллик тарихи миллат учун жанговар қурол вазифасини ўташи мукаррардир.**

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Газетамизнинг навбатдаги сонларида 1998-1999 ўқув йил учун «Жаҳон тарихи» ўқув мавзуларининг режалари билан танишишингиз мумкин.***

1998-1999 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАРСЛАРИНИ ТАҲМИНИЙ МАВЗУИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ

ВАТАН ТАРИХИДАН ҲИКОЯЛАР (5-СИНФ) 34 СОАТ

Кириш. Ўзбекистон тарихи бўйича бизнинг билимларимиз манбалари 1 соат

1-БОБ. Ўзбекистон халқлари қадимги даврда 5 соат

1-дарс: Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги одамларнинг изларн.

Деҳқончилик билан шуғулланувчи ва чорвадор қабилалар

2-дарс: Ўзбекистон халқлари давлатчилигининг ташкил топиши:

Хоразм, Бақтрия, Суғдиёна, Давон (Паркан) ва бошқалар.

3-дарс: Аждодларимизнинг эрк, озодлик, мустақиллик учун чет эл босқинчиларига қарши курашлари (Тумарис, Широқ, Спитамен)

4-дарс: Турк халқлари ҳаёти ва урф-одатлари. Туркий тил ва ёзувнинг хусусиятлари

5-дарс: Такрорлаш — умумлаштириш дарси

II-БОБ. Ўзбекистон чет эл босқинчилари билан кураш даврида-5 СОАТ

6-дарс: Арабларнинг Марказий Осиёга юриши. Муқанна,-Рофе ибн Лайс қўзғолонлари

7-дарс: Чингизхон босқини. Хоразмшоҳлар давлати.Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди.

8-дарс: Мўғул босқинчиларига қарши халқ ҳаракати. Маҳмуд Таробий қўзғолони

9-дарс: Ватанимизнинг ўрта асрлардаги буюк сиймолари. Турли мамлакат олимларининг ҳамкорликлари.

10-дарс:Такрорлаш — умумлаштириш дарси.

III-боб: Соҳибқирон Амир Темур - 6 соат

11-дарс: Амир Темурнинг мамлакатни бирлаштириш учун кураши. Давлатни маъмурий бошқарув тизими.Қўшинни ташкил қилиш.

12-дарс: Амир Темурнинг Олтин Урда билан кураши, Тухтамишнинг тор-мор этилиши.

13-дарс: Самарқанд — Амир Темур давлатининг пойтахти.

14-дарс: Буюк ипак йўли. Олдинги шуҳратнинг тикланиши.

15-дарс: Темурийлар давлатида маданий ҳаётнинг ривожланиши. Фан. Таълим. Меъморчилик,санъат.

16-дарс: Такрорлаш — умумлаштириш дарси.

IV-БОБ. XVI-XVIII асрлар да ўзбек хонликлари

17-дарс: Шайбонийхон давлати. Убайдуллахон ва Абдуллахон ислоҳотлари

18-дарс: Аштархонийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши.

19-дарс: Узаро низоларнинг кучайиши. Иқтисод ва маданиятни орқага кетиши

20 - дарс: Ўзбек хонликларининг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари

21-дарс: XVI ва XVШ асрнинг биринчи ярмида Узбекистон маданий ҳаётининг ривожи. Фан ва маданият. Мирхонд, Хондамир, Бобур, Машраб, Меъморчилик ва санъат

22-дарс: Такрорлаш - умумлаштириш дарси

V - БОБ. Ўзбекистон ҳудудини Россия томонидан истило қилиниши ва мустамлакачилик тузумини ўрнатилиши 7-СОАТ

23-дарс: Россия билан савдодипломатик муносабатларнинг ривожланиши. Элчилик ва савдо муносабатлари. Флорио Беневини

24-дарс: Подшо қўшинларининг хонлик ҳудудига босиб кириши. Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши.

25-дарс: Дукчи Эшон қўзғолони. Қўзғолоннинг бостирилиши. Мустамлакачилик зулмининг кучайиши.

26-дарс: Туркистон Шўролар ҳокимияти даврида. Қулоқлар билан кураш. Ер-сув ислоҳотлари

27-дарс: Катағонлик йиллари (30-40 йиллар)

28-дарс: Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши йилларида. Фронт орқаси билан фронт алоқаси

29-дарс: Қонунчиликни бузилиши ва Узбекистондаги қатағонликлар (50 - йиллар)

VI БОБ. Ўзбекистоннинг миллий мустақилликни қўлга киритиши– 4 СОАТ

30-31-дарс: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилиниши. Унинг жаҳонга юз тутиши. Республиканинг давлат рамзлари

32-дарс: Ўзбекистон социал-иқтисодий ва маънавий тараққиёт йўлида

33-дарс: Такрорлаш-умумлаштириш дарси

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ (6-СИНФ) 34 СОАТ

Кириш: Ўзбекистон — Ватаним маним 1 соат

1-БЎЛИМ.Инсоният тараққиёти ва унинг босқичлари (цивилизация) — 10 соат

1-мавзу: Ўзбекистон ҳудудидаги илк одамлар — 3 соат

2-мавзу:Уруғчилик жамоаси (мезолит ва неолит даври) - 3 соат

3-мавзу:Бронза асри(Эр.ав.III-II минг йиллик)-2 соат

4-мавзу: Ўлкашунослик-1 соат

Заҳира дарс — 1 соат

II-Бўлим. Илк давлатларнинг пайдо бўлиши даврида Ўрта Осиёдаги қабила ва элатлар 8 соат

1-мавзу: Илк темир даврида Ўрта осиё аҳолиси - 3 соат

2-мавзу: Зардуштийлик ва унинг таълимоти - 3 соат

3-мавзу: Улкашунослик - - 1 соат

Заҳира дарс- 1 соат

III-Бўлим. Ўрта Осиё халқлари форс ва грек-македон босқинчиларига қарши курашда - 15 соат

1-мавзу: Ўрта Осиё ва Ахмонийлар давлати - 3 соат

2-мавзу: А.Македонскийнинг Ўрта Осиёга юришлари. Ўрта Осиё халқларининг грек-македон қушинларига қарши кураши - 3 соат

3-мавзу: Грек-Бақтрия давлати . Қанг, Паркан ва Парфия - 2 соат

4-мавзу: Кушон Давлати(эр. ав.1аср – эрамизнинг IV асри) - 3 соат

5-мавзу: Буюк ипак йўли- 2 соат

6-мавзу: Улкашунослик - 1 соат

Такрорлаш - умумлашма дарс - 1 соат

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ (7-СИНФ) — 34 СОАТ

Кириш:

I-боб. Ўрта асрларда ерга эгалик муносабатларининг ривожланиши

Илк ўрта аср давлатлари (V-VII асрлар) - 3 соат

1-мавзу: Ерга эгалик қилишнинг янги шаклини қарор топиши ва ривожланиши. Эфталийлар давлати - 1 соат

2-мавзу: Турк хоқонлиги. Унинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти - 1 соат

3-мавзу: Мовароуннаҳр ва Хоразмда илк ўрта аср шаҳарлари. Маданий ҳаёт, диний эътиқод ва санъат - 1 соат

II-БОБ. Марказий Осиё ҳудудининг Араб ҳалифалиги томонидан фатх этилиши. Халқ озодлик қўзғолонлари (VII-VIII асрлар)-5 соат

1-мавзу: Араб халифалигининг ташкил топиши ва унинг ҳарбий юришлари - 1 соат

2-мавзу: Мовароуннаҳрнинг араб халифалиги томонидан истило қилиниши ва унинг оқибатлари - 1 соат

3-мавзу: Ислом динининг Мовароуннаҳрга тарқалиши ва унинг халқ маънавий қадриятларида тутган тарихий ўрни - 1 соат

4-мавзу: Араблар зулмига қарши халқ қўзғолонлари. Муқанна етакчилигидаги қўзғолон - 2 соат

III-БОБ. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Араб халифалигининг заифлашуви ва мустақил давлатларнинг ташкил топиши (IX-XIII асрлар) - 8 соат

1-мавзу: Араб халифалиги ҳукмронлигининг заифлашуви ва унинг сабаблари. Қарлуқлар,Уғузлар,Тоҳирийлар,Сомонийлар давлатлари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи – 2 соат

2-мавзу: Қорахонийлар давлати - 1 соат

3-мавзу: Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлати — 1 соат

4-мавзу: Хоразмшоҳлар давлати - 1 соат

5-мавзу: IX-XIII асрларда маданий ҳаёт - 2 соат

6-мавзу: Этник жараёнлар ҳамда узбек ва тожикларнинг халқ сифатида шаклланиши - 1 соат

IV БОБ. Ватанимиз халқларининг мўғуллар истилоси ва зулмига қарши озодлик курашлари (XIII асрнинг биринчи чораги- XIV асрнинг биринчи ярми) – 6 соат

1-мавзу: Чингизхон бошлиқ мўғуллар давлатининг ташкил топиши ва унинг босқинчилик юришлари - 1 соат

2-мавзу: Мўғуллар томонидан Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг истило қилиниши. Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубролларнинг ватанпарварлик жасоратлари—2 соат

3-мавзу: Мўғуллар зулмига қарши халқ қўзғолонлари. Маҳмуд Таробий - 1 соат

4-мавзу: Чиғатой улусининг ташкил топиши, ундаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият - 1 соат

5-мавзу: XIII-XIV асрларда улкадаги маданий ҳаёт - 1 соат

V-БОБ. Амир Темур ва Темурийлар давлати (XIV асрнинг иккинчи ярми - XV аср) - 10 соат

1 -мавзу: XIV асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Амир Темурнинг болалик ва усмирлик йиллари - 1 соат

2-мавзу: Амир Темурнинг — буюк салтанат барпо қилиши - 1 соат

3-мавзу: Амир Темур — буюк саркарда, давлат арбоби, фан ва маданият ҳомийси- 1 соат

4- -мавзу: Амир Темур ва темурийлар даврида фан ва маданият: меъморчилик,амалий санъат, китобот санъати, ҳаттотлик, тасвирий санъат, мусиқа, фан, адабиёт, тарих - 3 соат

5- мавзу: Амир Темур ва Темурийлар давлатида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар - 1 соат

6 -мавзу: Улуғбек ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр - 2 соат

7 -мавзу: Темурийлар салтанатининг инқирози ва уни парчаланиш сабаблари - 1 соат

8-мавзу: Якуний такрорлаш - 1 соат (жами 34 соат)

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ (34-СОАТ) 8-СИНФ

1-дарс: Кириш: Темурийлар даври тарихига бир назар - 1 соат

1-БОБ.Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Марказий Осиё (8 СОАТ)

2- дарс: Дашти Қипчоқда Абдулҳайрхоннинг давлат тузиши

3- дарс: Бобурнинг Мовароуннаҳр тахти учун кураши. Бобурнинг Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида тутган ўрни

4- дарс: Мовароуннаҳрда Шайбонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши

5- дарс: Бухоро хонлигининг ташкил топиши

6- дарс: Шайбонийлар давлатида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар

7- дарс: Шайбонийлар даврида маданий ҳаёт

8- дарс: Шайбонийлар давлати аҳолисининг этник таркиби

9- дарс: Умумлаштирувчи дарс.

II-БОБ. Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлиги — (3-СОАТ)

10-дарс: Аштархонийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши

11-дарс: XVII асрда Бухоро хонлигида ижтимоий- иқтисодий аҳвол ва маданий ҳаёт.

12-дарс: Бухоро хонлиги XVIII асрнинг биринчи ярмида

III-БОБ. Бухоро давлати манғитлар ҳукмронлиги даврида — (7 СОАТ)

13-дарс: Манғитларнинг ҳокимият тепасига келиши

14-дарс: Амирликнинг давлат тузуми.

15-дарс: Бухоро давлатининг хўжалиги

16-дарс: Бухоро давлатида ички ва ташқи савдо

17-дарс: Амирлик шаҳарлари

18-дарс: Бухоро амирлиги XIX асрнинг биринчи ярмида

19-дарс: Такрорлаш — умумлаштириш дарси

IV-БОБ. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлиги— (2 СОАТ)

20-дарс: Хива хонлигининг ташкил топиши. XVII аср - XVIII асрнинг биринчи ярмида Хива хонлигининг сиёсий ҳаёти

21-дарс: XVIII асрнинг 2 ярми – XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлиги

V-БОБ: XVI аср - XIX аср биринчи ярмида қорақалпоқлар— (2 СОАТ)

22-дарс: XVI аср - XIX аср биринчи ярмида қорақалпоқларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳволи.

23-дарс: Қорақалпоқ халқи маданияти

VI-БОБ: XVIIIаср-XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлиги (2 СОАТ)

24-дарс: Қўқон хонлигининг ташкил топиши

25-дарс: Қўқон хонлигининг ижтимоий аҳволи

VII-БОБ: XVIII аср - XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбек хонликлари маданияти (4 соат)

26-дарс: Бухоро амирлигида маданий ҳаёт

27-дарс: Хива хонлиги маданияти

28-дарс: Қўқон хонлиги маданияти

29-дарс: Умумлаштирувчи дарс

VIII БОБ. Марказий Осиё хонликларининг халқаро муносабатлари (5 СОАТ)

30-дарс: XVI аср - XIX асрнинг биринчи ярмида хонликларнинг халқаро муносабатлари

31-дарс: Хонликларнинг Россия билан савдо ва элчилик муносабатлари

32-Марказий Осиёда Англия-Россия муносабатлари

33-дарс: Мустақил ишлаш дарси «XVI аср XIX асрнинг биринчи ярмида жаҳон мамлакатлари ва узбек хонликлари» жадвалини тузиш ва уни тўлғазиш.

34-дарс: Якунловчи дарс.

9-СИНФ — (51-СОАТ)

1-дарс: Кириш: — 1 соат

I-БОБ. XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларининг ижтимоий сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти (11 СОАТ)

2-дарс: Узбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий маданий ҳаёти - 1 соат

3-4-дарс: Хонликларнинг сиёсий тузуми ва давлат бошқаруви - 2 соат

5-дарс: Хонликларнинг солиқ сиёсати ва тизими – 2 соат

6—7-дарс: XIX аср ўрталарида Қорақалпоқлар – 2 соат

8-дарс: XIX аср ўрталарида хонликларда маданий ҳаёт - 1 соат

9-дарс: XIX аср ўрталарида санъат – 1 соат

10-дарс: Узбек халқининг маънавий-маиший турмуш тарзи ва оилавий шарқона қадриятлари – 1 соат

11- дарс: Миллий таомлар, пазандачилик ва меҳмоннавозлик - 1 соат

12- дарс: Меъморчилик, ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати- 1 соат

II БОБ. Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши - 7 соат

13- дарс: Чор Россиясининг Ўрта Осиёга босқинчилик юришининг бошланиши - 1 соат

14-дарс: Тошкентнинг босиб олиниши - 1 соат

15- дарс: Туркистон генерал- губернаторлигининг тузилиши - 1 соат

16- дарс: Самарқанднинг эгалланиши ва Бухоро амирлигининг Россия вассалига айлантирилиши - 1 соат

17- дарс: Хива хонлигини забт этиш ва мустамлакага айлантирилиши - 1 соат

18-дарс: Қўқон хонлигидаги ички аҳвол ва Пулатхон бошчилигидаги қўзғолон - 1 соат

19-дарс: Россиянинг Қўқон хонлигини босиб олиши - 1 соат

III БОБ. Чор Россияси мустамлакачилик идора усулининг жорий этилиши - 6 соат

20-дарс: Россия империясининг Ўрта Осиё мустамлакачилиги сиёсати - 1 соат

21- дарс: Туркистон генерал- губернаторлигида полиция ва суд - 1 соат

22-дарс: Туркистон шаҳарлари ва уларни бошқариш - 1 соат

23-дарс: Чоризмнинг Туркистонда ер-сув муносабатлари соҳасидаги сиёсати - 1 соат

24-дарс: Россия империясининг кучирувчилик сиёсати ва унинг оқибатлари - 1 соат

25-дарс: Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши - 1 соат

IV-БОБ. XIX асрнинг 70—90 йилларида Туркистонда миллий озодлик ҳаракати -8 соат

26-дарс: Миллий озодлик ҳаракатининг сабаблари - 1 соат

27-дарс: Миллий озодлик ҳаракатининг бошланиши – 1 соат

28-дарс: Олой ва Шарқий Туркистондаги озодлик ҳаракатлари - 1 соат

29-дарс: 1892 йил Тошкент қўзғолони – 1 соат

30-дарс: Чоризмга қарши озодлик ҳаракатининг етилиши - 1 соат

31-дарс:1898 йилги Андижон қўзғолони- 1 соат

32-дарс: Қўзғолоннинг бостирилиши - 1 соат

33-дарс: Мустамлакачилик зулмининг кучайиши - 1 соат

V-БОБ. XIX асрнинг охири XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий- иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши - 6 соат

34-дарс: Туркистонда иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатларининг шакллана бориши - 1 соат

35- дарс: 1905-1907 йиллар Россиядаги инқилобий ҳаракатлар ва унинг ўлкага таъсири

36-дарс: Инқилобий ғояларнинг ўлкага ёйилиши. Намоз Пиримқулов - 1 соат

37-38-дарслар: Жадидлар ҳаракатининг вужудга келиши - 2 соат

39-дарс: Туркистонда Давлат Думасига сайловларнинг утказилиши ва унинг оқибатлари - 1 соат

VI БОБ. Биринчи жаҳон урушининг Туркистонга таъсири. Хонликлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт – 4 СОАТ

40-дарс: Биринчи жаҳон урушининг Туркистонга таъсири - 1 соат

41-дарс: Туркистонда 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракати - 1 соат

42-дарс: X1X аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи - 1 соат

43-дарс: X1X асрнинг охири XX асрнинг бошларида Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи - 1 соат

VII БОБ. РОССИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ШАРОИТИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА МАДАНИЙ ҲАЁТ (X1X асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари) - 8 соат

44-дарс: Чор Россияси мустамлакачилик шароитида улкада маориф - 1 соат

45-дарс: Адабиёт, матбуот ва журналистика – 1 соат

46-47-дарслар: Тарихий-ижтимоий ва табиий фанларнинг ривожланиши - 2 соат

48-49-дарслар: Меъморчилик, санъат, мусиқа ва халқ турмуш тарзи - 2 соат

50-дарс: Умумлаштириш дарслари - 1 соат.

51-дарс: Такрорлаш – 1 соат.

10 СИНФ (68 СОАТ)

1-БОБ: ЎЗБЕКИСТОН 1917-1930 ЙИЛЛАРД А

1-дарс: Кириш (Узбекистоннинг 1917—1991 йиллардаги тарихига доир воқеалар).

2-дарс: Узбекистон - Туркистон 1917 йилда (февраль-октябрь).

3-дарс: Октябрь давлат тўнтариши ва Туркистон.

4-дарс: Миллий давлатчилик учун кураш

5-дарс: Туркистон мухториятининг ҳалокати

6-дарс: Туркистон улкасида большевиклар диктатурасининг урнатилиши

7-дарс: «Ҳарбий коммунизм» сиёсати

8-дарс: Туркистон АССРнинг ташкил этилиши

9-дарс: Туркистонда 1919—1920 йилларда сиёсий вазият

10-дарс: Миллий озодлик курашининг бошланиши

11-дарс: Туркистон улкасида миллий озодлик курашининг янги босқичи

12-дарс: Шўроларнинг Миллий-озодлик курашини бостириш учун кураши

13-дарс: Миллий-озодлик курашидаги кейинги босқич

14-дарс: Миллий озодлик курашининг бостирилиши

15-16-дарслар: Бухоро амирлиги 1917—1920 йилларда

17-дарс: Бухоро Амирлиги ва Шўро ҳукумати муносабатлари

18-дарс: Бухоро амирлигини тугатиш сиёсати

19-дарс: Бухоро амирлигининг қулатилиши

20-21-дарслар: Хива хонлиги 1917—1920 йилларда

22-дарс: Хива хонлиги ва Шўро ҳукумати муносабатлари

23-дарс: Хонликда Жунаидхон ҳукмронлигининг ўрнатилиши

24-дарс: Жунаидхоннинг Шўро ҳокимиятига муносабати

25-26-дарслар: Такрорловчи-умумлаштирувчи дарс

27-дарс: «Ҳарбий коммунизм» сиёсатининг инқирози

28-29-дарс: Хоразм Халқ Совет Республикаси 1920—1924 йилларда

30-31-дарслар: Бухоро Халқ Совет Республикаси 1920—1924 йилларда

32-33-дарслар: Марказий Осиёда миллий давлат чегараланишининг утказилиши

34-дарс: Қорақалпоғистон 1920—30 йилларда

35-дарс: 1917—1924 йилларда маданий ҳаёт

36-дарс: Такрорловчи-умумлаштирувчи дарс

37-дарс: Узбекистонда ижтимоий-сиёсий тараққиёт муаммолари

38-дарс: Индустрлаштириш сиёсати

39-дарс: Узбекистон қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш

40-дарс: Мамлакатда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қарор топиши

41-42 дарслар: Жамият ҳаётида тоталитаризмнинг қарор топиши

43-дарс: Узбекистон тобелигининг янада кучайтирилиши

44-дарс: Такрорловчи-умумлаштирувчи дарс

45-46-дарслар: 1924—1930 йилларда маданий ҳаёт

II -БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ШЎРО МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ КУЧАЙИШ ДАВРИДА (1940—1985 й.)

47-дарс: Узбекистон Иккинчи жаҳон уруши йилларида

48-дарс: Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун

49-дарс: Узбекистон илм-фани ва маданияти уруш йилларида

50-дарс: Узбекистонлик жангчиларнинг жанговор жасоратлари

51-дарс: Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди

52-дарс: Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигининг тинч қурилишга утказилиши

53-дарс: Жамият ҳаётида шахсга сиғинишнинг янгидан кучайиши

54-55-дарслар: Узбекистон иқтисодининг Марказ манфаатларига тўла буйсундирилиши

56-дарс: Халқ турмуш даражаси

57-дарс: Жамият ҳаётида турғунлик ҳолатининг юз бериши.

58-дарс: Такрорловчи - умумлаштирувчи дарс

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН 1985-1990 ЙИЛЛАРДА

59-дарс: Собиқ Иттифоқда қайта қуриш даври сиёсати

60-61-дарслар: Қатағонлик сиёсатининг янги шаклда давом эттирилиши

62-дарс: Ш.Рашидовнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти

63-дарс: Республикада 90-йиллар бошидаги ижтимоий-сиёсий вазият

64-дарс: Собиқ Марказ Миллий сиёсатининг инқирози

65-дарс: Мустақиллик арафасида Узбекистон. И.А.Каримовнинг сиёсий фаолияти

66-дарс: 1946—1991-йилларгача булган даврда маданият

67-68-дарслар: Якуний такрорлаш дарслари

11-СИНФ (68 СОАТ)

1-дарс: Кириш дарси - 1 соат

1 БОБ. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ (9 соат)

2-дарс: Мустақиллик йўлидаги кураш

3-дарс: Давлат мустақиллиги сари йўл

4-дарс: 1991 йил, август воқеалари

5-дарс: Узбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши

6-дарс: Узбекистон мустақил давлат. Мустақил давлат рамзларининг қабул қилиниши

7-дарс: И.А.Каримов — Мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси

8-дарс: Л.Левитин ва Д.С.Карлайлларнинг «Ислом Каримов – янги Узбекистон Президенти» китоби ҳақида суҳбат

9-дарс: Узбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлининг ишлаб чиқилиши

10-дарс: Такрорлаш — умумлаштириш дарси

11—12-дарслар: Н.Жўраевнинг «Агар огоҳ сен» китоби бўйича семинар машғулоти

II БОБ. СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР. МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ПОЙДЕВОРИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ (7 соат)

13-дарс: Эски давлат ҳокимияти бошқарув тизимининг барҳам топиши

14-дарс: Узбекистонда давлат ҳокимиятининг Олий вакиллик органи

15-дарс: Узбекистонда ижроия ҳокимияти

16-дарс: Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари

17-дарс: Давлат мустақиллигини қатъий таъминлаш борасида амалга оширилган тадбирлар

18-дарс:Узини-узи бошқарув органларининг ташкил этилиши

19-дарс: Мустақиллик шароитида кадрлар сиёсати

20-дарс: Такрорлаш

III-БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ (2 соат)

21-дарс: Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон давлатчилиги тараққиёти

22-дарс: Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий ҳаёт

**IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК, ФУҚ

Seminar

КУН ТАРТИБИДА: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий маркази яқинда Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Узбекистон Халқ таълими вазирлиги ва БМТнинг Узбекистондаги ривожланиш дастури билан ҳамкорликда «Утиш даври шароитида «Инсон ҳуқуқлари» курсини ўқитиш» мавзусида анжуман ўтказди.

Анжуманда айтилган фикрлар, асосан, ҳуқуқий-демократик давлат қуришдек эзгу мақсадларимизнинг тезроқ рўёбга чиқиши «Инсон ҳуқуқлари» курсини ўқитишнинг самарасига кўп жиҳатдан боғлиқлиги ҳақида бўлди.

Йиғилишда халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев таъкидлаганидек, гарчи мукаммал дарсликлар камчил, курсни ўқитишга билимдон кадрлар етишмаётган бўлса-да, анча ишлар қилинаяпти. Жумладан, ёшларга ҳуқуқий билим беришни боғча ёшиданоқ бошлаш мўлжалланаяпти. Дарс ўтишнинг янги самарали услублари қидирилаяпти.

БМТнинг халқаро эксперти, профессор Ж.Диас «Инсон ҳуқуқлари» курсини ўқитишда халқаро тажрибалар ҳақида анча зарур маълумотларни айтиб ўтди.

Р.БОЙМАТОВ

МУЛОҚОТДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР...

Узбекистон Миллий матбуот маркази томонидан уюштирилаётган учрашувларнинг навбатдаги йиғини мазмунини Узбекистон Республикаси Конституциявий суд ходимлари билан оммавий-ахборот воситалари вакилларининг узаро мулоқоти ташкил этди.

Шу ўринда масалага бир оз аниқлик киритиш керакка ўхшайди. Бугун «Узбекистон Конституциявий суди» атамаси кўпчиликка аниқ-масдек туюлади. Аслида эса демократик давлатнинг муҳим шартларидан биттаси ўша давлатнинг Конституциявий суди бўлиши лозим. Унинг энг асосий вазифаси мавжуд ҳукуматнинг чиқарган фармонларига, қарорларига Конституция нигоҳи билан «ташҳис» қўйиб берищи керак.

Йиғилишнинг аввалида ушбу Конституциявий суд раиси Баҳодир Эшонов ўзларининг бугунги фаолияти хусусида айтиб ўтди. Сўнгра журналистлар билан очиқ мулоқот бошланди. Залда Конституциявий суд аъзолари Ғафур Абдумажидов ҳамда Сайёра Ҳакимовалар ҳам иштирок этиб, мулоқотнинг жонли ўтишига фикрлари билан ҳисса қўшдилар.

Демократик жамиятда қонун устувор бўлади. Қонун устувор бўлган жойда инсон ҳуқуқлари топталмайди. Бугун бу хил шартларни кенг жамоатчиликка тарғиб этиш мавриди келди. Шу нуқтаи назардан, сўнгги пайтларда Миллий матбуот маркази ташаббуси билан ўтказилаётган йиғинлар аҳамиятга моликдир.

А.НАЗАРОВ,
«Маърифат» мухбири

БОЛА СОҒ БЎЛСА...

(Боши 1-бетда)

Биз Олтинкўл туманида бўлганимизда янги ташхис маркази ходимлари тиббиёт мутахассислари билан тумандаги мавжуд 55та мактабдан энг сўнгиси учун 6-7 ёшли болаларни тиббий кўрикдан ўтказаётган эканлар. Тиббий кўрик асосан қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ врачлик амбулаторияларида амалга оширилаяпти. 9 кишидан иборат комиссия аъзоларининг мутахассисликлари ҳам рисоладагидек: педиатр, невропотолог, жарроҳ-ортапед, отолоринолог, офтольмолог, психоло-невролог, стоматолог, эндокринолог ва педагоглардан иборат.

Шунингдек, Марҳамат туманидаги ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Бу ерда ўтган йили туман ҳокимининг буйруғи билан истеъдодли ва иқтидорли болалар билан ишлашни яхшилаш, ижодкорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида истеъдод ва ахборот-таҳлил маркази тузилган эди. Мазкур марказ мазмун-моҳияти билан «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари тўғрисида»ги Низомга мос келганлиги сабабли туманда ташхис марказини ташкил этишда маорифчилар ҳеч қандай қийинчиликка дуч келишмади. Қувонарли жиҳати шундаки, янги ташхис марказининг 4 та ўқув хонаси, 3 та тиббиёт хонаси, ўқув зали, дам олиш хонаси, ошхона ва спорт майдончалари ҳам бор. Марказ рангли телевизор, нусха кўчириш аппарати ва 2 та компьютер билан таъминланган. Туман халқ таълими бўлим мудири Расулжон Султоновнинг сўзларига қараганда яқинда бу ерга яна 2 та компьютер келтирилади.

Ташхис маркази раҳбари Камолиддин Мансуров, врач-педиатр Шоира Алашова, олий тоифали психолог Замира Бадалбоева, педагог-дефектолог Маҳамадумар Қодировлар 6-7 ёшли болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, улар ҳақидаги маълумотларни компьютерда ахборот банкига (оператор Абдуллажон Бобохонов) киритишда узига хос тажриба орттириб улгуришди. Мутахассисларнинг фикрича, туманда камҳонлик касалига учраган мактабгача ёшдаги болалар 80 фоизни ташкил этади. Шу боисдан ҳам тумандаги 2651 нафар 6 ёшлилардан атиги 8 фоизи янги ўқув йилида 1-синфда ўқишга тавсия этилди, холос.

Болалар соғлигини тиклашда ташхис маркази мутахассислари ота-оналарнинг беминнат ёрдамчиси бўлишлари зарур. Зеро, энг аввало инсон саломатлиги муҳимдир.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири

МЎЛЖАЛДА ТЕРРОРИСТЛАР

«Internet» тизими тарқатган хабарда айтилишича, Америка Қўшма Штатлари Афғонистон ва Суданга ракета зарбалари етказди. Президент Клинтоннинг сўзларига қараганда, терроризм билан боғлиқ объектлар мўлжалга олинган. Суданда Хартум шаҳри ёнида жойлашган кимёвий қуроллар ишлаб чиқарувчи заводга зарба берилган. Афғонистонда эса ракета саудиялик диссидент Осам Бин Ладеннинг қароргоҳига келиб тушган. Америка президентининг таъкидлашича, мазкур ракета зарбалари яқинда Кения ва Танзанияда бўлиб ўтган ҳодисаларга жавоб ҳисобланади. Клинтон телевидение орқали берган баёнотида айтдики, Американинг бу ҳаракати ислом дунёсига эмас, балки қонхўр ақидапарастларга қарши қаратилган. АҚШнинг БМТдаги вакили Билл Ричардсон Хавфсизлик Кенгашига йўллаган мактубида «Вашингтон БМТ Хартиясига мувофиқ равишда ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўллаган» деб таъкидлади.

Афғонистондаги зарба етказилган террористлар лагерида Осам Бин Ладеннинг 600 га яқин жангарилари бўлган. АҚШ қуролли кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитасининг раиси генерал Генри Шелтон шу тўғрида ахборот берди. Унинг яна таъкидлашича, мазкур лагерь Қобулдан 150 км жанубда, покистон-афғон чегарасининг яқинида жойлашган. Судандаги зарба «Шифа» компаниясига қарашли фармацевтика заводига берилган. Аслида бу завод ниқоб, холос. Америка разведкасининг маълумотларига қараганда, уни Осам Бин Ладен бошқариб туради. Ва бу ерда кимёвий қуроллар ҳамда асабни фалаж қилувчи «Ви Икс» гази ишлаб чиқарилган.

Эн-би-си телекомпаниясининг дарагига қараганда, зарбалар қанотли ракеталар воситасида берилган.

САБОҚЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

(Боши 1-бетда)

бажарилишини тўғри йўналтириш бўйича Республика штаби тузилди. Дарсликларнинг пуллик шакли жорий этилганлиги таълим муассасаларида, ота-оналар ўртасида батафсил тушунтирилди. Ўқувчиларни дарсликлар билан тўла таъминлашнинг ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилди. Кам таъминланган оилаларнинг болаларини дарсликлар билан таъминлашда ҳомийлар ёрдамини ташкил қилиш мақсадида Республикамиздаги барча идора,ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари эътиборини кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини дарсликлар билан таъминлаш ишига жалб қилиш чоралари кўрилди, қисқа муддат ичида Республикадаги барча умумий таълим мактабларининг кутубхоналари жамғармаларидаги фойдаланишга яроқли китоблар экспертизадан ва инвентаризациядан ўтказилди. Бу тадбирларнинг якунлари кутубхоналар жамғармасида 35 миллиондан ортиқ 1998—1999 ўқув йилида ҳам ишлатишга яроқли дарсликлар мавжудлигини кўрсатди. Бугунги кунда Республика нашриётлари эҳтиёждаги китобларнинг 65 фоизини босмадан чиқариб бердилар.

Таълим рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўқувчиларини ҳам дарсликлар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Бу борада таълим муассасалари нашриётлар, китоб савдоси идоралари билан узвий ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Юқори малакали педагог кадрлар етиштириш бўйича, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан узвий ҳамкорликда иш олиб борилди. Вазирлик тасарруфидаги 5 та педагогика институтларида 18 та мутахассислик, 36 та педагогика билим юртларида 7 та мутахассисликлар бўйича педагог-кадрлар тайёрланмоқда. Асосий эътибор махсус замон талаблари асосида ижодкорлик, изланувчанлик билан меҳнат қилиб, юксак пировард натижаларга эриша оладиган, тажриба- синовлар ўтказишдан чўчимайдиган, таълимдаги олиб борилаётган ислоҳотлар йўналиши ва моҳиятини чуқур англайдиган, ўз касбига садоқатли ўқитувчи ва тарбиячиларни тайёрлаб беришга қаратилди. Шу мақсадда талабаларнинг педагогик амалиётларга ажратилган соатлари қарийб 2 баробар оширилди. Улар ўқишдан бўш пайтда дарсларни кузатиш, таҳлил қилиш, мактабдаги ташкилий-тарбиявий ишлар шакл ва услубларини пухта ўрганиш, ўқувчилар билан ўтказилаётган тарбиявий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш, ота-оналар билан олиб бориладиган ишлар мазмуни билан танишиш ишларига жалб қилинди.

Талабаларнинг ғоявий, ахлоқий, назарий-методик савияларини кўтариш мақсадида «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари» (50 соат), «Маънавият ва маърифат асослари» (50 соат), «Амалий иқтисодиёт» (20 соат), «Инсон ҳуқуқлари» (40 соат), «Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ижтимоий моҳияти» (10 соат) каби курслари муассасаларининг барча факультетларида ўргатилди.

Тугалланган ўқув йилида мактабдан ташқари муассасалар фаолияти умумий таълим мактаблари ўқувчиларига қўшимча таълим бериш, уларнинг бўш вақтни унумли ўтказишга қаратилди.

Мазкур ишлар самараси ўлароқ, ўсмирлар томонидан содир этилаётган қонунбузарликлар 1,6 фоизга камайди. Таълим муассасалари касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшларнинг ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича ҳам қатор ишларни амалга оширдилар.

Ўтган ўқув йилида Республика мактабларида жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини кўтариш, спорт тадбирларини ўтказиш, чақириққача ёшлар тайёргарлигини яхшилаш бўйича ҳам туркум тадбирлар амалга оширилди. Енгил атлетика, теннис, футбол, волейбол бўйича кўп босқичли мусобақалар ўтказилди, ўқувчиларнинг спартакиадалари бўлиб ўтди. Республиканинг барча вилоятларида ихтисослаштирилган футбол мактаб-интернатлари ташкил этилди.

Йил давомида таълим муассасаларида 63911 ўқувчи ўрнига эга бўлган 192 та мактаб ва мактаблар учун қўшимча бинолар қурилди. 400 дан ортиқ мактабларнинг иситиш тармоқлари табиий газ шахобчаларига уланди, 112 мактабни тоза ичимлик суви билан таъминлашга эришилди.

Лекин афсуски, юқорида баён этилганларга қарамай, Республика таълимида ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида сусткашликка, камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Келинг, мактабгача таълимни олиб борайлик. Муҳтарам муштарийларга маълумки, бундан бир неча йил олдин Андижонда мактабгача тарбия тизимини ноанъанавий шаклларини барпо этиш, «Хонадон» ва «Митти боғча»лар шахобчаларини кенгайтириш, Наманганда эса болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ибратли ишлар қилиниб, вазирлик томонидан маъқулланган ва бу вилоятларда шу мавзуда Республика семинарлари ўтказилган эди. Афсуски, катта меҳнатлар эвазига бошланган бу ҳаракат ҳамма ҳудудларда ҳам ўзининг издошларини топмади, ривожланмади.

Республикада мактабгача таълим шаҳобчаларининг йилдан-йилга озайиб, болалар боғчаларининг турли хил баҳоналар билан ёпилиб қолаётганлиги ташвишланарли ҳолдир.

Масалан, 1997 йилда Республика бўйича 3113 та болалар боғчаси фаолият кўрсатиб, уларга боғча ёшидаги жами болаларнинг 19,5 фоизи тортилган бўлса, 1998 йилда болалар боғчасига қатнашадиган болалар сони мактабгача таълим ёшидаги умумий болалар сонининг 17,6 фоизини ташкил этди. 1997 йилга нисбатан 1998 йилда болалар боғчаларининг сони Бухорода 58, Қашқадарёда 85, Самарқандда 79, Сирдарёда 64, Фарғонада 33 тага камайган. Болаларни боғчаларга қамраб олиш Қашқадарёда 8,8, Сурхондарёда 10, Жиззахда 10,7 фоизни ташкил этади, холос.

Республика ҳукуматининг қарорига асосан, бошқа идораларга қарашли 4489 та болалар боғчадари Халқ таълими бўлимлари тасарруфига ўтказилган эди. Ҳозирги пайтда уларнинг 1457 таси ишламаяпти. Шундан 884 таси ташкилот ва идоралар томонидан молиялаштирилмаётганлиги, 345 таси капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмаганлиги, 228 таси эса бошқа сабабларга кўра фаолият кўрсатмаяпти. Қорақалпоғистон Республикасида ишламаётган 14 та болалар боғчаси фуқароларга уй-жой сифатида бериб юборилган, қолган 12 таси бошқа ташкилотларга турли мақсадларда фойдаланиш учун бериб юборилган.

Умумий ўрта таълим мактабларида таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича қолоқликдан чиқиб кетолмаётган вилоятлар бор. Масалан, Сурхондарё, Навоий вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси узоқ йиллардан бери анъанавий тарзда олимпиадаларда, Давлат тест маркази маълумотларида битирувчи синф ўқувчиларининг якуний аттестацияси натижаларига кўра охирги ўриндан чиқиб кета олмаяптилар. Вазирлик ҳайъатининг бирор мажлиси йўқки, бошқарма ва бўлимлар томонидан шу вилоятлар таълими фаолиятига бирон бир эътироз билдирилмаган бўлсин.

Яна таълим муассасаларига раҳбарлик қилувчи кадрлар ҳақида: ишончим комилки, таълимдаги эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўп жиҳатдан унга раҳбарлик қилаётган кишиларнинг савиясига боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, таълимни бошқарув бўғини раҳбарлари таркибини яхшилаш, уларни бошқариш илми ва амалиётига доир қўлланмалар билан таъминлаш, ўқитиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Лекин мазкур йўналишда маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликдаги ишлар натижалари бизни қаноатлантирмаяпти.

Кейинги уч йил ичида вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг раҳбарларидан 10 таси алмаштирилди. Сурхондарё, Навоий вилоятларида янги тайинланган бошқарма бошлиқларининг фаолият кўрсатиши бир йилга ҳам бормади. Шу йил март-апрель ойларида ўтказилган таълим муассасалари раҳбарлари аттестацияси натижаларини олиб кўрайлик; унга кўра 267 нафар болалар боғчаларининг мудиралари, 205 нафар мактаб директорлари аттестациядан ўта олмадилар. Бундан ҳам ачинарли аҳволни методик хизмат ходимлари мисолида кўриш мумкин. Методистлардан 519 нафарининг фаолияти аттестация жараёнида қониқарсиз баҳоланди. Янги методик ғояларни педагогик технологияларни таълим жараёнига олиб кириш ишига бевосита раҳбарлик қиладиган кишиларнинг савияси шундай бўлса, бошқалардан нимани кутиш мумкин? Бугун методик хизмат кўрсатиш муассасаларида энг етук, тажрибали фанларни ўқитиш методикасининг ҳақиқий усталари ишлаши керак. Маҳоратли методистлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг барча шакл ва воситаларидан фойдаланишимиз зарур. Биз раҳбар кадрлар ғоявий-ахлоқий савиясини амалга оширадиган, бошқарув маҳоратини такомиллаштиришга хизмат қиладиган, шакл ва воситаларини янгилашимиз, бошқарув назарияси ва амалиёти, унинг методологиясини пухта ўзлаштириб олинишини таъминловчи илмий изланишларни кучайтиришимиз зарур. Шу билан бирга таълимни бошқариш ишига тасодифий кишиларнинг келиб қолишига, бу борада таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчиликка чек қўйишимиз зарур.

Таълим муассасаларида маънавий-маърифий, аҳлоқий- тарбиявий ишлар самарадорлиги бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти.

Ўзбекистонимизда маънавий -маърифий ишлар катта сиёсат даражасида олиб борилаётган ҳозирги кунда, бу ишларга муносабат кескин ўзгариши керак.

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва муаммоларга қарамасдан, тугалланган ўқув йили таълим-тарбия мазмунини, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш, янгиликларни жорий этиш масалаларида таълим муассасаларининг маҳалла, ота-оналар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кучайтириш ва бошқа қатор йўналишларда жиддий изланишлар йили бўлди, десак хато қилмаган буламиз.

Амалга оширилган ибратли ишлар анчагина. Аммо янги, 1998—1999 ўқув йилида бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўп. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

Биринчи. 1998—1999 ўқув йили «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» билан ўтиш босқичида белгиланган вазифаларни амалга бевосита, кенг миқёсда татбиқ этишнинг бошланиши йилидир. Белгиланган вазифаларни қандай бажаришимизга, қандай натижаларга эришишимизга кўп нарса боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида ҳозир ўтаётган ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларида маҳаллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда камчиликлар ва муаммолар сабабларини чуқур таҳлил қилишимиз, тегишли хулосалар чиқаришимиз, вазифаларимизга аниқликлар киритиб, ҳар битта таълим ходимининг ислоҳотларни амалга оширишдаги ўрни ва ролини белгилашимиз лозим.

Иккинчи. Республика ҳукуматининг «Узбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан бошланаётган янги ўқув йилида давлат таълим стандартлари, янги ўқув режаси ва дастурлари синовдан ўтказилади. Уларни яратишда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлари, ўқувчиларимизнинг психологик, физиологик хусусиятлари, мазкур йўналишдаги халқаро тажрибалар ҳисобга олинди.

Тажриба-синов ишлари олиб бориш географияси кенгайтирилди. Бугун улар республикамизнинг ҳамма ҳудудларида мавжуд. Тажриба-синов майдонлари энг яхши умумий таълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари негизида ташкил этилган бўлиб, уларнинг ишига ўқитувчилар, тарбиячилар, олимлар, методистлар жалб қилинган. Бугунги кунда республика бўйича ташкил этилган барча тажриба-синов майдонларининг тақдимотлари бўлиб ўтмоқда, уларда олиб бориладиган тадқиқотлар хусусияти кенг жамоатчиликка маълум қилинмоқда. Эндиги вазифа тажриба-синов ишларини муваффақиятли якунлаш ҳамда республика ҳукуматига тегишли таклифларни тайёрлашдан иборатдир.

Учинчи. Маълумки, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан бири рақобатбардош кадрлар таркибини шакллантириш, йигит ва қизларимизга ўз қобилиятлари, истаклари, ижодий ва меҳнат мойилликларига монанд ҳолда ҳаёт йўлларини белгилаб олишда кўмаклашишдан иборат. Бу вазифалар ҳар бир туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари таркибида ташкил этилган ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари зиммасига юклатилган.

Мазкур марказлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш мақсадида уларнинг ҳар биттаси билан вазирликда суҳбат ўтказилди ҳамда унинг натижаларига кўра тегишли тавсиялар берилди. Марказ раҳбарлари Тошкент-да қайта тайёргарликдан ўтдилар ҳамда уларга фаолиятларини ташкил этиш билан боғлиқ тавсиялар берилди.

Ташхис марказлари тамомила янги хизмат ҳисобланади, шунинг учун ўқув йили давомида биз уларнинг фаолиятини доимо кузатиб боришимиз, амалий ёрдам беришимиз, мавжуд чет эл илғор тажрибаларини урганишимиз лозим булади.

Тўртинчи. Янги ўқув йилида амалга оширадиган муҳим ишларимиздан яна бири таълимга рейтинг тизимини жорий этишни қатъиятлилик билан амалга оширишдир. 5—9-синф ўқувчилари билимини аниқлашнинг рейтинг тизими ҳақидаги қоидалар лойиҳаси ишлаб чиқилди. Улар ўқитувчиларнинг август кенгашлари барча босқичларида ва шўъбаларида кенг муҳокама этилиши керак.- Бу илғор тизимни республиканинг барча таълим муассасалари, барча ўқитувчилар қизғин кутиб олишади, деган умиддамиз. Чунки олдинги ўқув йилларида бу тизим Тошкент шаҳридаги мактабларда, Сурхондарё вилоятининг Узун туманида, Сирдарё вилоятининг Ш.Рашидов туманида, Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳри таълим муассасаларида синаб кўрилди ва узининг ижобий самараларини берди. Умумий ўрта таълим мактабларида рейтинг тизимини қўллашнинг мақсад ва вазифаси биринчидан, ўқувчилар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ўқишдаги ютуқларига эришувининг ижобий асосларини таъминлаш, ўқув жараёнига янги педагогик технологияни олиб кириш, ўқувчиларда фан асосларини мустақил ўрганишга, уларни эркин тафаккур ва фикрлашга бўлган иштиёқини кучайтириш бўлса, иккинчидан, рейтинг тизими қаерда, қайси ўқитувчи қандай меҳнат қилаётганини ўзида кўзгудагидек акс эттиради. Демакки, рейтинг тизими ўқитувчи меҳнатининг пировард натижаларини баҳолашнинг ҳам воситасидир.

Бешинчи. Барча вилоятларда, туман (шаҳар)ларда янги педагогик технологиялар асосида ишлаётган ижодкор ўқитувчилар уюшмаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бу уюшмаларнинг асосий вазифаси янги педагогик ғояларни амалга ошираётган ўқитувчилар фаолиятини кузатиб бориш, уларни қўллаб-қувватлаш, педагогик янгиликларни қўллашга шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг таълим бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган муассасалар билан ижодий ҳамкорликларини йўлга қўйишни таъминлаш, улар тажрибасини оммалаштириш, янги педагогик ғояларни айрим консерватор раҳбарлар тазйиқидан асраб-авайлаш ва ҳоказолардан иборат.

Умуман олганда, мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида узларининг фаолиятларига ижодий ёндашиб ишлаётган ўқитувчилар учун маҳаллий ҳокимликлар узларининг мукофотларини таъсис этсалар, нур устига аъло нур бўлган бўларди.

Биз янги ўқув йилида амалга оширилиши режалаштирилган айрим ишлар хусусида фикр юритдик, холос. Аслида, фаолият йўналишларимиз кенг қамровли бўлиб, ҳар бир таълим муассасаси ходимидан ўз ишига масъулият билан ёндашишни, ижодкорликни, фидойиликни талаб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз устозларимизни, ўқувчилар ва талабаларни, ота-оналарни, таълим ҳомийларини ва жонкуярларини улуғ байрам — Мустақиллик куни билан, янги ўқув йили билан қизғин табриклайман.

Ҳаммаларингизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт тилайман, муваффақиятлар Сизларга ҳамиша ёр бўлсин.

КЕНҒАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Андижон вилоят ўқитувчиларининг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Шу ерда айтиб ўтиш жоизки, вилоят миқёсида ўтган етти йил мобайнида бунингдек кенг қамровли ва умумлашган кенгаш ўтказилмаган эди. Бугун таълим-тарбия соҳаси олдида турган муҳим вазифалар нафақат туман ёки шаҳар, балки вилоят ва мамлакат миқёсида кенгашиб иш тутишга, бир ёқадан бош чиқариб ишлашга ундамоқда. Қоларверса, Халқ таълими вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги қўмагида Андижонда шундай йиғин бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида вилоят ҳокими ўринбосари Н.Саидов ва ХТБ бошлиғи М.Мирзаевлар маъруза қилишди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида вилоят халқ таълими тизимида қилинаётган ишлар ва режалар хусусида ўқилган маърузалар юзасидан О.Омонова, М.Ботиров, А.Отажонов каби вилоятнинг турли бурчакларидан келган ўқитувчилар, шунингдек, Хўжаобод пахта тозалаш заводи директори О.Урайимов, Избоскан тумани ХТБ мудири А.Қосимовлар ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтишди. Унда вилоят халқ таълими ходимларининг август кенгаши қарори ҳамда кенгаш қатнашчиларининг барча ҳамкасблари ва ҳамюртларимизга мурожаати, шунингдек, вилоят ХТБнинг 1998—99 ўқув йилига мўлжалланган ҳаракат дастури қабул қилинди.

Андижонда бир гуруҳ илғор педагоглар ҳукуматимиз ва ҳомий ташкилотларнинг турли мукофотлари билан тақдирландилар.

Кенгаш ишида республика халқ таълими вазирининг биринчи муовини Й.Саиджонов иштирок этиб, андижонлик маорифчилар олдида турган энг муҳим вазифалар хусусида фикрларини баён этди.

И.БЎРИБОЕВ

ТАЪТИЛДАГИ ҚИЗҒИН ИШЛАР

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида 38 та мактаб бўлиб, шундан атиги 4 таси 9 йиллик оддий мактабдир. 34 та мактаб эса лицей, гимназия ва турли фанларга ихтисослашган. Айни кунда тумандаги инглиз тилига ихтисослашган 49-мактабда ўқувчиларни суҳбат,синов асосида мактабга қабул қилиш қизғин кечмоқда. Мактабга туман халқ таълими бўлими томонидан ҳам эътибор катта бўлмоқда. Мустақиллигимизнинг етти йиллиги ва билимлар кунига улар мактаб ўқувчилари учун 360 ўринли янги мактаб биносини ҳадя қилишмоқчи.

49-мактабда ўқувчиларнинг билим олиши тил ўрганишлари учун катта имкониятлар мавжуд. Компьютер хоналари мунтазам ишлайди. Ҳамма синф хоналари лингафонлаштирилган. Ўтган ўқув йили охирида мактабнинг 20 нафар аълочи, инглиз тилини пухта билган ўқувчиси 3 ой Англияда бўлиб ўз билимларини ошириб қайтдилар. Янги ўқув йилида ҳам шу анъана давом эттирилади.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки туманнинг 120-мактаб узбек тили(таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) фани юзасидан бўлиб ўтадиган тажриба-синов майдончаси сифатида танланган.

Туман халқ таълими бўлими мудири Талаб Нурмуҳамедовдан «нима учун иқтидорли болаларга, уларнинг ўқишига,мактабларига эътибор катта-ю, оддий мактаблар назардан четда қолмоқда» деб сўраганимда, шундай жавоб берди:

— Биз иложи борича болаларнинг иқтидорини шакллантиришга, уларнинг келажакда ватанга нафи тегадиган инсон бўлиб етишиши учун ҳаракат қиляпмиз. Туманимиздаги оддий мактаблар ҳам бизнинг назаримиздан четда қолаётгани йўқ. У мактабларда ҳам лицей синфлар, махсус группалар ташкил қилиб, ўқувчиларнинг иқтидорини, билимини аниқлаяпмиз.

Тумандаги барча мактабларда мустақиллигимизнинг етти йиллигини ва янги ўқув йилини кутиб олишга тайёргарлик қизғин кечмоқда.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Fanimiz fidoyilari

СЎЗ МУЛКИГА САЁҲАТ

Сўз сеҳри, сўз муъжизаси. Академик Шоназар Шоабдураҳмонов учун Сўз – бу маънавий олам. Сўз - бу руҳий Ватан. Боиси, Сўзда офтоб ҳарорати, осмондек кенглик ва замин ҳикмати мужассамлашган.

Узбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, профессор Шоназар Шоабдураҳмонов туркология фанида шевашунослик камолини янги босқичга кўтарди. Яъни, ўзбек диалектологияси фанига асос солди. Шу боисдан ҳам устозни эъзозлаб «Шоназар ота» дейишади.

Устознинг илмий-ижодий фаолиятида уч йўналиш устивор. Хусусан, биринчиси, ўзбек фольклори ва бадиий асар тилининг тараққиёти масалалари. Иккинчиси, ўзбек шеваларини тавсиф ва тадқиқ этиш. Учинчиси эса ўзбек тилининг лексикаси ва фонетикаси муаммолари. Мазкур уч тармоқ академик Шоназар Шоабдураҳмонов илмий изланишларининг ўзак моҳиятини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг нодир сўз хазинасини тадқиқ этиш, Сўзнинг ҳаётини урганиш — Шоназар ота умрининг ёруғ саҳифаларига айланди.

«Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари», «Ўзбек диалектологияси» (профессор В.В.Решетов билан ҳамкорликда), «Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар», «Ўзбек халқ шевалари луғати» ва шу каби қатор салмоқли асарлар Шоназар отанинг туркология фанидаги нуфузли урнини белгилаб беради.

Академик Ш.Шоабдураҳмонов ўзбек тили ва шеваларидаги сўзларнинг чўғини урганади, ёруғлигию ҳароратини аниқлайди, чўгларни оловларга айлантиради. Ва шу тариқа илмда ўз гулханини ёқа олди. Бугунги кунда кўпдан кўп олимлару шогирдлар ана шу гулхан тафтида исинаяпти, ҳароратидан баҳраманд булаяпти.

Шу билан бирга олим урта мактаб ва олий уқув юртлари учун дарсликлар, қулланмалар, дастурлар яратишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Ш.Шоабдураҳмонов урта мактаб ва олий уқув юртлари учун дарсликлар, қулланмалар, дастурлар яратишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Шоназар ота кейинги йилларда тилшунослик фанининг ривожланишига доир қатор мақолалар эълон қилди. Булардан, айниқса, «Ўзбек тилшунослигининг камолоти», «Тил — тараққиёт омилларидан бири», «Ўзбекистонда тил фанини ривожлантириш масалалари» каби мақолалар юқори илмий савияси билан ажралиб туради.

Аслида Шоназар Шоабдураҳмоновнинг танглайини шеър билан қутарган, илм-фанга чексиз меҳр-муҳаббат уйғотган, Тошкент шеваси бўйича қимматли материаллар жамлашда қумаклашган киши муҳтарама онаси — Меҳри ая Юсуф қизи бўлади. Устоз ўзининг ўзбек тилшунослигига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган фундаментал асари онаси хотирасига бағишлаганлиги ҳам бежиз эмас.

Одам кексайиши, жисман қариши мумкин. Лекин унинг янги-янги назарий ғоялари, илмий концепциялари, тадқиқотлари асло қаримайди. Тафаккур ҳам бамисоли нур. Шу боисдан у завол билмайди. Академик Шоназар Шоабдураҳмонов тадқиқотларининг бош фазилати – бу табиатнинг рангларига ўхшашлигида. Қачон мурожаат этмагин, ҳар гал кўнглинг уфори тиниқлик ва ёруғлик билан чулғанади. Илм-фаннинг ҳамиша янгиланиб борувчи жараёнларида – янги маълумотлар топилаётган, тиниқ ғоялар туғилаётган, эски қарашлар ўз моҳиятини йўқотаётган бир даврда бундай боқийликка эришиш осон иш эмас. Хуллас, академик Ш.Шоабдураҳмонов асарлари ҳамиша эл-юрт назарида.

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
профессор

Дўппи тикдим ипаклари тиллодан...

Xullas...

МОШВОЙ ЎРДАКЛАР

Бошқирдистондаги парранда наслчилик заводи генетиклари ўрдакнинг янги навини яратишди. Бу турнинг таркибида одатдаги ўрдакларникидан ёғ миқдори кам бўлса-да, сермаҳсул. Қизиғи шундаки, улар мош рангда.

Мошвой ўрдаклар фермер хўжаликлари учун мўлжалланган. Улар ҳар қандай шароитга тезда мослашиб олишади.

Генетиклар 700 мингта тухум ва 400 мингта ўрдак беришга муваффақ бўлган бу насл устидаги илмий изланишларни давом эттиришяпти. Янги насл нафақат Россия, балки МДҲга аъзо мамлакатларга ҳам тарқатилмоқчи.

ЕР ЮЗИДА ҲАШАРОТ ҚАНЧА?

Бу саволга аниқ жавоб айтиш қийин. Олимларнинг фикрига қараганда, ер юзида 30-50 миллион ҳашарот турлари мавжуд экан.

Энтомологлар, кашф қилинган тур янгиси билан тўлдирилаверади деб ҳисоблашади. Агар Амазон ўрмонларидаги дарахтларга ишлов берувчи аппаратлар ёрдамида кимёвий эритма сепилса, «боши айланган» ҳашаротларнинг улкан тўдаси биринкетин ерга тушаверади.

Америка қўриқхоналаридан бирида олим Терри Эрвин 750 минг турдаги қурт-қумурсқалар борлигини аниқлади. Уларнинг аксарияти ҳали фан оламида кашф этилмаган. Эрвиннинг хулосаси шундай: 83 фоиз ҳашарот ўрмон ва чакалакзорларда яшашни афзал кўради.

«ҚАҲРАМОН ОНА»НИ ЎҒИРЛАШДИ

Ўғри ўз «иши»ни амалга оширишдан аввал режасини хўп пишитади, сўнг пайт пойлайди ва ниҳоят...

Тун ярмида кимнингдир квартирасини тунашни мўлжаллаган ўғрини «сюрприз» кутарди. У на видео, на олтин. Босқинчиларнинг қўлларига нима ҳам илинарди дейсиз? Афтидан, уйига ўғри тушишини сезган хонадон соҳиблари бутун бойликларини аллақаёққа яширган эдилар. Ёвуз ниятли кишиларга «Қаҳрамон она» кумуш медали, иккинчи жаҳон урушининг матоҳи,яъни ички хизмат ходимининг формаси «ўлжа» бўлди. Ким билади дейсиз, улар нималарни мўлжаллашган?

Ўғирланган «моллар»ни ким ҳам сотиб оларди. Лекин барибир, ўғрилар қидирилмоқда.

ana shunaqa gaplar...

Sport

ҲАЛИ ЮТАМИЗ

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Таиланд сафаридан қайтиб келди. Футболчиларимиз Таиланд терма жамоаси билан бўлган учрашувда 1:4 ҳисобида имкониятни бой берди.

ОСИЁГА ЮРИШ

Осиё чемпионлари кубогида «Нефтчи» ва Осиё кубок эгалари кубогида «Пахтакор»нинг илк ўйинлари Тожикистон жамоалари билан бўлади.

4 сентябрь куни «Нефтчи» «Вахш»га, «Пахтакор» «Хўжанд»га қарши майдонга тушади.

ЗЎРДАН ЗЎР КЎП

Жаҳон теннис ассоциациясининг эркаклар ўртасидаги тасниф жадвалида ўзгариш бўлди. Кейинги мусобақаларни муваффақиятли ўтказган жаҳоннинг иккинчи «дубулга»чиси чилилик Марсело Риос Пит Сампрас ўрнини эгаллади.

ЎЛАРГА ИШОНСА БЎЛАДИ

Эронда бўлиб ўтаётган шахмат бўйича Осиё чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун моҳир шахматчиларимиз Қосимжонов, Загребельний, Йўлдошев, Егин, Салтаев ва Қаюмовлар иштирок этишяпти.

ЎЙИНЛАР ТУРДАН ТУРГА ҚИЗИЯПТИ

Футбол бўйича мамлакат чемпионати олий лига табақалари XVII учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — «Зарафшон»—1:1, МҲСК - «Пахтакор» — 1:7, «Нефтчи» — «Металлург» —2:0, «Андижон» — «Хоразм» —2:1, «Темирйўлчи» — «Сурхон»—3:2, «Насаф» - «Навбаҳор»—0:1, «Бухоро» — «Сўғдиёна» — 0:1, «Дўстлик» — «Косонсой» —4:2.

maydonchasi

ЭЪЛОН

Тошкент Молия институти қошидаги «Молиячи бизнес мактаби»

1998-99 ўқув йили учун тингловчилар қабул қилади

Молиячи бизнес мактаби «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Солиқ назоратчиси» йўналиши бўйича кичик ва ҳусусий бизнесни бошқарувчи мутахассис кадрлар тайёрлайди.

Бизнес мактабига 11-синфни тугаллаган ёшлар бир йиллик ўқишга танлов йўли билан қабул қилинади.

Ўқиш ишлаб чиқариш амалиёти билан боғланган ҳолда ҳозирги замон талаблари даражасида ташкил этилган бўлиб, институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилади. Ўқув йилининг охирида Давлат имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган тингловчиларга турли корхоналарда ишлаш ҳуқуқини берувчи «Диплом» берилади.

Ўқишни хоҳлаганлар қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни топширади:

1. Директор номига ариза
2. 11-синфни битирганлиги ҳақидаги шаходатноманинг асл нусхаси
3. 086- У шаклдаги тиббий маълумотнома
4. 3х4 ўлчамли 6 дона сурат
5. Яшаш жойидан маълумотнома
6. Паспорт ва ҳарбий гувоҳноманинг асли кўрсатилади.

Ҳужжатлар шу йилнинг 10 сентябригача қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент -700095, Собир Раҳимов тумани, Аброр Хидоятов (Саидов) кўчаси, 3-проъезд, 6-уй, 4-қават. (Республика кўз касалликлари шифохонаси қаршисида).

Транспортлар: Авт. 10, 14 88. Трол. 2, 27 (Нукус кинотеатри бекати): Авт: 65, 82, 85, 100, (Республика кўз касалликлари шифохонаси бекати) тел: 46-58-32

Yangi nashr

ГИМНАЗИЯНИНГ «ГИМНАЗИЯ»СИ

Пойтахтимизда жойлашган «Ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназияси»ни кўпчилик билишади. Агар бордию билишмаса, бундан кейин албатта билишади. Бунга сабаб, гимназия «Банк ахборотномаси» ҳомийлигида «Гимназия» деб номланган газетасини чиқара бошлади.

«Гимназия»нинг илк сони «тандирдан узилиб», ўқувчилари ҳукмини эшитди. Бизнингча, «ҳукм» ёмон эмас. Бунинг исботи — газета саҳифаларида ҳар қалай кишини беихтиёр ўқишга мажбур этадиган тафсилотлар йўқ эмас. Энг қувончлиси, газетадаги аксарият хабарлар, мулоҳазалар муаллифи шу гимназиянинг ўқувчилари экан.

Демак, хулоса бундай: ҳар бир муассасанинг ўз нашри бўлиши ўша муассаса ҳаётини жонлантириб турган барчани ижодкорликка чорлайди. Ижодкорлик эса ҳаётни урганиш демак. Бундай масъулиятли йўлга қадам қўйган «Гимназия»чиларнинг қадамлари қутлуғ келсин!

Алишер НАЗАР

Hikmatlar

ҲИММАТЛИК ГАДО

Бир гадо ҳар куни шаҳарга чиқиб, кўчаларни кезиб пул сўрар эди. Тўпланган пулларни оқшом навосиз одамларга берур эди. Биров ундан бунинг сабабини сўради. Гадо деди:

Ўз нафиға ҳар киши югурур,

Ўзга нафиға эр киши югурур.

ОЧКЎЗ ИТ

Бир ит, оғзида суяк, бир ариқнинг устидан ўтар эди. Сувда ўз суратини кўриб, бошқа бир ит деб ўйлади. Ундан суякни тортиб оламан деб ўзини сувга ташлади. Лекин сувдан на ит топди ва на суяк, балки ўз суягидан ҳам айрилди.

***

Олимнинг фасоди – оламнинг фасоди.

***

Ихлос ила халос бўлурсан.

***

Аввал эҳтиёт, сунгра таваккал.

***

Ҳақ устида собит бўл.

С.ҲАЙИТОВ ва Б.ХУДОЙБЕРДИЕВ тайёрлади

Tabiat va biz

ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ

Эътибор берган бўлсангиз, буни ҳар бир касб эгаси ҳар хил, яъни ўз касбига боғлаган ҳолда шарҳлайди. Дейлик, ўқитувчининг наздида тарбиянинг муҳим жиҳати, аввало, таълимдадир. Ёхуд спортчи бу муҳим жиҳатни жисмонан чиниқишда деб билади. Ғаллаорол тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Муҳибиллохон Саъдуллаев эса, барча табиатшунослар сингари, одамларнинг экологик онги шаклланишини тарбиянинг энг муҳим жиҳати деб тушунади. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, бу яхши хислат. Чунки, ҳар бир мутахассис ўз соҳасини ҳаётда муҳим ва зарур деб ҳисобласагина, ишига масъулият ва фидойилик билан ёндашади.

«Тарбия деганда, одатда кўз ўнгимизда болалар гавдаланади,- дейди М.Саъдуллаев биз билан суҳбатда. - Гўёки тарбияга уларгина муҳтождек. Аслида инсон умри бўйи тарбия топиб яшайди. Айниқса, экологик тарбия каттаю кичик замондошларимиз орасида, афсуски етарли эмас. Бугун экологик онгни юксалтириш хусусида сўз юритилар экан, мазкур муаммо болалар билан бир қаторда катта ёшдаги одамларга ҳам тааллуқлидир. Шу боис, қўмитамиз мактаб ўқувчилари билан алоқани мустаҳкам йўлга қўйган ҳолда, тумандаги барча ташкилотларни, улар ходимларини ҳам назардан четда қолдиргани йўқ. Ўйлайманки, улар билан бирга олиб бораётган турли тадбирларимиз, мулоқотларимиз бесамар кетмайди.»

Муҳибиллохон аканинг яна таъкидлаб ўтишича, туманда ўтказилаётган ҳар бир экологик тадбирга туман ҳокими Қувондиқ Санақулов ва туманнинг фаол оқсоқоллари Салоҳиддин Назаров, Ҳайдар Давронов, Ҳазраткул Мамадиёров, Ҳайдар Худойқулов ва бошқалар катта эътибор билан қараб, ҳар бир ишда бош-қош бўлмоқдалар. Яқинда туманда табиатни асраш бўйича 10 кунлик тадбир бўлиб ўтди ва унда мактаб ўқувчиларидан тортиб, барча ташкилот ходимларигача фаол иштирок этдилар. Тадбир тумандаги ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини асраш бўйича ўз амалий натижасини берди. Табиатни ифлослантираётган, унга жиддий зарар етказаётган, ҳатто ноқонуний илонлар савдоси билан шуғулланаётган кимсалар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

«Собиқ шўролар тузумининг иллатларидан яна бири шу бўлдики, одамларимиз муборак юртимиз табиатига бефарқ бўлиб шаклландилар, - деди Муҳибиллохон ака суҳбатимиз сўнгида. — Эндиликда мустақил Ўзбекистонимизни иқтисодини юксак чўққиларга олиб чиқажак ёшларимиз шундай тарбия топмоқлари керакки, улар Ватанимизнинг гўзал табиатини ҳам кўз қорачиғидек асрасинлар. Бу ишга боғча ва мактаблардаёқ, қанча тез киришилса, шунча самаралидир.»

Икром БЎРИБОЕВ

CHORBOG CENTRE FOR INTERNATIONAL EDUCATION
Центр международного образования «Чорбоғ»
«Чорбоғ» Халқаро таълим маркази
Инглиз тилида ўқув қўлланмалари, китоблар, аудио- видео ва компьютер материаллари

А. Аудио, видео ва компьютер иловалари билан курслари.	Аудио	Видео	Компьютер
1.**World English** Жаҳон Инглиз тили Аудиокурс жамламаси(3 босқичли)(6 бўлим),12 та китоб, 19 та кассета			
a. Student Book (Дарслик)+Workbook (машқлар)+касс.	7950		
b. Teacher's Book (Ўқитувчи учун китоб)+Workbook+ касс.	9500		
2.**Tuning in the USA** (Радиокурс 6 аудиокассета ва 2 китобдан иборат)	2800		
3. **Family Album USA** (Видеокурс 26 қисмли, 25 минутдан)		7900	
4. **Starting Business English** (Видеокурс, 3 соатлик)		1500	
5. **Инглизча мультфильмлар** (Видеокурс 1,5 с.Матн. инг.+рус)		1200	
6. **Инглизча фильмлар** (Субтитрлар, таржимаси)		950	
7. **Education in USA, TOEFL, SAT** (фильм,машқ, тестлар)		1200	
8. АҚШ иқсодиёти тарихи (6 та фильм 30 минутдан Морган, Гувер,г.Форд, IBM,Дженерал Моторс, текстильная промышл.		1200	
9. **Компьютерда классик адабиёт кутубхонаси** (ингл. матнлар) Шекспир, Д.Дэфо, Б.Франклин, Дж.Свифт, В.Скотт, Байрон, Ф.Купер, Б.Гарт, Ч.Диккенс, Дж.Джером, Р.Киплинг, Л.Кэррол, Драйзер, Б.Шоу, Р.Стивенсон, М.Твен, Дж.Лондон, Г.Уэллс, К.Дойль, А.Кристи			3900
10.**Иқтисодий классика кутубхонаси** (ингл. матнлари) А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, Дж.Лоу, Дж.Локк, Ж.Сэй, А.Тюрго, Дж.Милль, Т.Мальтус, Ф.Визер, Т.Веблен, Е.Бём-Баверк, А.Маршалл, М.Кейнс, А.Тойнби			5800
11. Инглизча компьютер курслари (мультимедиа)			1800

Б. Ўқиш ва аудиомашқ учун китоблар ва кассеталар	китоб	аудио билан
1. Easy does It 2. The Way it is матнлар (Б)*		850
3. **Experiencing English 4. Right Reading** матнлар (Б)		900
5. **Changing Times, Changing Tenses** матнлар (Б. Ў)**		750
6. **Seven of Note** матнлар (Ў-Ю)***		800
7. **Twelve Famous Americans** матнлар (Ў-Ю)		800
8. **If You Feel Like Singing** Қўшиқлар матни нотаси билан		750
9. **Day by Day. 10-11.(More) Dialogs for Everyday Use** Диалоглар		900
12. **Talking English** Диалоглар (Ў-Ю)		750
13. **The Lighter Side of TEFL** (Ў-Ю)		800
14. **Varieties of American English** (Ў-Ю)		500
15. **Something to Crow About** (Ў-Ю)	350	
16. **Great Preposition Mystery** (Ў-Ю)	350	
17. **Reference Guide to English** (Ў-Ю)	990	
18. **Highlights of American Literature** (Ю)	750	
19. **Illustrated American Idioms** (Ю)	650	
20.Дж.Лондон, М.Твен, Э.По, В.Ирвинг, Н.Хауторн, С.Крейн (Ў-Ю)	350	
21.**Economic Considerations** (АҚШ макт.иқтисод бўйича дарслик)	850	
22.**Қандай қилиб чет элда ўқиш ва малака ошириш мумкин.** 1-қисм.	50	

Ўқитувчилар, талабалар, ўқувчилар ва тарқатувчилар учун 10-20 фоиз чегирма билан сотилади.
Тел. (3712) 65-41-45, 67-69-98 *(факс)*, E-Mail: zahid@e-pool.eanetways.com
Тошкент ш. 700187 Буюк Ипак Йўли 167а уй (Горький метросидан 4-бекат)
*) Б - Бошлангич босқич, **) Ў - Ўрта босқич, ***) Ю - Юқори босқич

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Рустам БОЙМАТОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0251. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-18.30. Г. 123456